

“XXI ASR MUSIQA SAN’ATI: MUAMMO VA YECHIMLAR”

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya

“МУЗЫКАЛЬНОЕ ИСКУССТВО XXI ВЕКА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ”

Международная научно-практическая конференция

«MUSIC ART XXI AGE: PROBLEMS AND SOLUTIONS»

The International scientific-practical conference



*5-noyabr
Toshkent – 2018*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ВА БАСТАКОРЛАРИ УЮШМАСИ

**“XXI ASR MUSIQA SAN’ATI:
MUAMMO VA YECHIMLAR”**

Халқаро илмий-амалий конференция
материаллари тўплами
2018 йил 5 ноябрь

**“МУЗЫКАЛЬНОЕ ИСКУССТВО XXI ВЕКА:
ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ”**

сборник материалов Международной
научно-практической конференции
5 ноября 2018 года

**“MUSIC ART XXI AGE:
PROBLEMS AND SOLUTIONS”**

book of the International
scientific-practical conference
5 november 2018 year

«Musiqа» нашриёти
Тошкент
2018

ББК 85.31

X 18

“XXI аср мусиқа санъати: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами / Нашрга тайёрловчи: Б.Ашуров, Н.Исмоилова. – Тошкент, “Musiqа” нашриёти, 2018, 422 б.

ББК 85.31

УДК 78.06"20"

Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами

Ўзбекистон давлат консерваторияси

Ўқув-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган

(2-сон баённома. 26.10.2018)

Масъул муҳаррирлар: **Сайфуллаев Б.С.** – Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазири – Ўзбекистон давлат консерваторияси
ректори, профессор

Гафурова С.А. – Ўзбекистон давлат консерваторияси
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор,
профессор

Тақризчилар: **Абдуллаев Р.С.** – Ўзбекистон давлат консерваторияси
“Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедраси
профессори

Ашуров Б.Ш. – Ўзбекистон давлат консерваторияси
Илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи

Материаллар муаллифлик таҳририда тақдим этилади

Материалы представлены в авторской редакции

Materials presented under author's edition

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 178-ф-сонли Фармойишига мувофиқ Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтказилган “XXI аср мусиқа санъати: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўпламида XXI аср композиторлик ижодиёти муаммо ва ечимлари, ижрочилик масалалари: тарих, назария ва амалиёти, мусиқий педагогикада инновацион методлар ва технологиялар, фольклор ва анъанавий мусиқа масалалари, мусиқашуносликнинг тарихий-назарий масалаларига бағишланган илмий мақолалар ўрин олган.

© «Musiqа» нашриёти, 2018.

ISBN 978-9943-5301-2-6

МУНДАРИЖА

Конференция иштирокчиларини табриклаш

1. Бахтиёр Сайфуллаев 3,4,5
2. Ян Хельфер 6
3. Francesca Matascena 7
4. Rachel Ireland 8

Ҳорижлик олимлар мақолалари

Статьи зарубежных ученых

Articles foreign scientist

1. **Dr. Ban Bohi Gim (USA-Korea)** «A Discourse on the relationship between Uzbekistan maqom and Korean traditional music genre»..... 9
2. **Dr. Andrian Pertou (Avstralia)** «Music and science entropia for symphony orchestra no 441 (2016-2017)»..... 11
3. **June Filetti (Great Britian)** «The assessment of music ability a cultural tradition in uk music education»..... 13
4. **Александр Лавров (Россия)** «Музыкальное искусство XXI века: проблемы и решения»..... 15
5. **Ирина Лежнева (Россия)** «Пути развития тенденции объективизации исполнительского творчества в российской скрипичной школе второй половины XX - начала XXI века»..... 18
6. **Наталья Катанова (Россия)** «О гипотезе Вилли Апеля в статье «История ранних органов» и истоках четырехручного органно-клавирного исполнительства».... 21
7. **Гульмира Мусагулова (Казахстан)** «Отражение специфики традиционной культуры в современном музыкальном искусстве казахского народа»..... 24
8. **Botir Matyakubov (Туркия)** «Ajdodlardan meros qolgan do'mbram» 30
9. **Кароматулло Рахимов (Таджикистан)** «Особенности композиционного строения канонической модели таджикской версии эпоса Гургули»..... 36
10. **Анна Хмелёва (Россия)** «Обучение дирижирования будущих педагогов музыкантов проблема определения подходов на современном этапе.....39
11. **Мухаммадмурат Гапуров (Туркменистон)**
«Туркменский мукам в исполнительстве дутарной музыки»..... 41
12. **Акклима Омарова (Казахстан)** «Актуальность модернизационных процессов традиции эпоса и казахская опера»..... 42
13. **Ажар Айтуарова (Казахстан)** «Новые подходы к музыкально-просветительской деятельности на уроках музыки» 44
14. **Рамзия Валиуллина (Казахстан)** «Образ аральского моря в музыке казахских композиторов» 46
15. **Турсынхан Кашаганова (Казахстан)** «Музыка казахского кино в учебном процессе»48
16. **Казтуганова А.Ж. (Казахстан)** «Модернизация традиций казахского кюя (к проблеме изучения категории жанр)»..... 50
17. **Зульфия Касимова (Казахстан)** «Идентичные черты в архаических пластах музыкальной культуры тюркских народов»..... 53
18. **Фазиля Набиева (Азербайджан)** «Состояние и научный уровень собирательно - оформительных работ танцам яллы азербайджанском этномузыковедении»... 56

4. Dilorom Karomat «Motherland in hip hop music of Afghanistan, Tajikistan and Uzbekistan».....	320
5. Светлана Матякубова «Согласование теории и практики макома на уроках сольфеджио».....	322
6. Ахад Мамадалиев «Ўзбек халқ профессионал мусиқа санъатида мақом»...»	325
7. Шахноза Айходжаева «Академик Юнус Ражабийнинг бастакорлик фаолияти».....	328
8. Бахром Мадримов, Саттар Мурадов «Народные музыкальные традиции и современный художественный процесс: генезис и преемственность».....	332
9. Ирода Ганиева «Мақом санъати тараққиёти масалалари таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш кесимида».....	334
10. Каримова М.В., Каримов З.И. «Фрактал қонуниятлари: уларни А.Навоий ғазаллари ва ўзбек мақомларини тадқиқ этишда қўллаш борасида».....	337
11. Зульфия Мурадова «К вопросу сохранения макомного наследия».....	339
12. Татьяна Седых «Американский народный блюз – узбекская народная мелодия: некоторые черты общности музыкальной выразительности».....	343
13. Бахтиёр Ашуров «Бухарский Шашмаком как базовая модель макомата».....	346
14. Наргиза Хамдамова «Мозийларда янграган оҳанглар».....	349
15. Ботир Рахимов «Дутор мақомлари».....	352
16. Рустам Болтаев «Хоразм танбур чизгиларининг илмий-амалий ўрганишга доир».....	355
17. Хуршид Арипов «Марказий Осиёда мусиқа илми ва мусиқа чолғу созлари ҳақида илмий назарий қарашларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши».....	359
18. Эрмат Файзуллаев «Бўлажак мусиқа ўқитувчилари бадиий дидини шакллантиришда ўзбек мумтоз мусиқаси имкониятларидан фойдаланиш».....	361
19. А.Юлдашев «Ўзбек мусиқа фольклори ва маънавий тарбия».....	364
20. Қ.Тоштемиров, У.Мамажонов «Ўзбек мусиқа фольклори намуналарининг ўзига хос хусусиятлари».....	365
21. Латофат Толибжонова «Муסיкий қадриятлар ва ёшлар маънавияти».....	369

5-ШЎЪБА. Мусиқашуносликнинг тарихий-назарий масалалари
5-СЕКЦИЯ. Вопросы исторического и теоретического музыкознания
5-SECTION. Questions of historical and theoretical musicology

1. Ганиханова Шойиста «К вопросу использования лейтмотивов в кинопроизведении».....	373
2. Саида Қосимхўжаева «20-йиллар мусиқа маданиятига бир назар».....	376
3. Гулшаной Турсунова «Муסיкий сулолавийлик феноменини тадқиқ этилишидаги айрим аспектлар».....	379
4. Эльнора Мамаджанова «Звуковое пространство макомата: опыт проведения первого международного фестиваля по искусству маком».....	381
5. Ирода Мирталипова «Шарқ комусий олимларининг товушқатор масаласига оид фикрларига бир назар».....	384
6. Мустафина Екатерина «Значение образов исторического прошлого в творчестве Дилором Сайдаминой».....	387
7. Римма Радман «Из опыта исследования увертюры в Узбекистане».....	390

ХОРАЗМ ТАНБУР ЧИЗГИЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЎРГАНИШГА ДОИР

Рустам Болтаев,

Урганч давлат университети “Муסיқий таълим”

кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: “Хоразм танбур чизгилари” номи остидаги нота ёзуви ўзининг илмий ва тарихий аҳамиятига кўра минтақа муסיқий маданиятида алоҳида ўрин тутди. Сўнги тадқиқотлар бу ҳақиқатнинг нақадар ҳаётий эканини тобора яққол намоён этмоқда. Маърузамизнинг асосий мавзуси ана шу масаланинг айрим жиҳатларини амалий мисолларда далиллашга қаратилган.

Танбур чизгилари борасидаги сўнги кузатувларга кўра, бу ноёб манба айни чоғда том маънодаги “илмий рисола” ва Хоразмнинг Олти ярим мақоми ҳамда Дутор мақомлари битилган мукамал нота матни экани далилланмоқда. Танбур чизгиларининг айнан шу икки тарафлама, яъни илмий рисола ва нота матни сифатидаги моҳияти алоҳида илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Мазкур манба илмий рисола ўрнида Форобий, Хоразмий ва Ибн Синолар давридан келаётган урф-одатларнинг вориси сифатида тарих майдонига чиқади. Дарҳақиқат, танбур чизгиларининг саҳифаларида сўнги асрларда минтақада яратилган илмий рисолалар, хусусан, Нажмиддин Кавкабий ва Дарвиш Али асарларида қўлланилган муסיқий-истилохий атамаларнинг бевосита амалда қўлланилганининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, муסיқий шаклларнинг таркибий бўлакларига тегишли “хона”, “бозгуй” ва “оҳанг” атамаларининг тизимли равишда қўлланилгани аҳамиятга молик.

Гап шундаки, мақомларнинг чолғу ва ашула йўлларини ноталаштиришда маҳаллий созандалар шеvasидан *даромад, сарҳона, миёнхат, фурувард, дунасра, авж, намуд, ранг* ва бошқа атамалар қўлланилади. Масаланинг мураккаб томони шундаки, турли воҳа устозлари бу ибораларни бошқа-бошқа, баъзан қарама-қарши маъноларда қўллайди. Фикримизни далиллаш учун биргина мақом йўли, хусусан, Рост мақомнинг Хоразм, Бухоро ва Тошкентда овоз ёзуви ва нота матнларида битилган Рост мақомининг “Наврўзи Сабо” номли таркибий қисмини олиб кўрайлик.

“Наврўзи Сабо”илк бор 1880 йилитанбур чизгилари воситасида ёзиб олинган. Бу матн европа нота ёзувига ўгирилиб, 2008 йилда чоп этилган. 1922 йилиатоқли устозлар Ота Жалол ва Ота Ғиёслар талқинидаги “Наврўзи Сабо” В.А.Успенский томонидан Бухорода ноталаштирилиб, 1924 йили Москвада нашр этилган. 1936 йилибеназир ҳофиз Домла Ҳалим Ибодов овози ва Шоназар Соҳибов танбур жўрлигида пластинкага ёзилган.

“Наврўзи Сабо”нинг Ари Бобохонов ёзувидаги нота матни 2012 йили Германияда чоп этилган. 1967 йили Юнус Ражабий талқинидаги нота матни Шашмақомнинг иккинчи китобида эълон қилинган.

Мазкур бирламчи манбаларнинг барчасини умумий европа нота ёзувига ўгирилган шаклининг қиёсий ўрганишлар шуни кўрсатадики, бирқарашда бу матнлар орасида умумийликни топишнинг ўзи қатор муаммолар туғдиради. Бу қийинчиликларнинг негизи асосан нота белгилари ва ибораларнинг турлича тартиб этилгани ҳамда уларни ягона тизимга тушириш билан боғлиқ. Мазкур масалалардаги кузатишларимиз, пировардида мавжуд овоз ва нота ёзувларини умумий тартибга келтиришимиз улар асосидаги умумий тартиб ва низомларнинг ички қонуниятларини тушуниш имконини туғдирди.

тасдиқлаб, Шашмақом ва унинг мувозий (параллель) шакли бўлган Олти ярим мақом Танбур чизиғи матнларда аниқ ўлчовлар асосида яратилган, деган фикрни исботлайди.

Танбур табулатурасида Хоразм Олти ярим мақоми ва Дутор мақомларининг **беш асосий тамойили** хатга туширилган:

1. Мақом ва унинг таркибий бўлак ва қисмлари, усул, таснифотнинг номлари;
2. Мақом йўлларининг тўла-тўқис куй шакли;
3. Доира усулларининг тарҳи;
4. Мақом куйлари таркибий бўлакларининг белгиловчи ишоралар;
5. Мақом йўлларига манзума этилган сўз матнлари.

Парда (лад) тизими мақом тафаккурининг бош тамойили. Мақом илмида бу устивор тушунча икки асосий маъно касб этади. Назарий жиҳатдан парда тизими муайян нағма жадвали ва уларнинг ички муносабатларини англатади. Амалий тарафдан парда тизими деганда ушбу нағма жадвалини ижродаги оҳангга солиниши ҳамда куй садолари сифатида намоён бўлиши назарда тутилади.

Парда ва парда тузилмаси ёки парда тизими дейиладиган тушунча мусиқий истилоҳда турли иборалар билан ифодаланади: жам, парда, мақом, в.б. Европа мусиқашунослигида эса модус (modus) атамаси ишлатилади.

Бизнинг шароитда мақомларнинг парда тизими танбур чолғусининг пардабандлари воситасида тушунтирилади, лекин “Хоразм мусиқий тарихчаси” китоби муаллифлари мақомларнинг бошланиш пардасига алоҳида аҳамият билан қараб, унинг танбур пардаларидаги ўрнини кўрсатиб берганлар.

Хоразм “Танбур чизиғи” нусхаларида келтирилган Танбур мақомлари куйидаги парда тизимларидан ташкил топган:

Рост, Насри Ушшоқ, Насри Сабо, Панжгоҳ;

Наво, Насри Баёт, Насри Орази Наво, Дугоҳи Ҳусайний Наво;

Дугоҳ, Насри Чоргоҳ, Насри Орази Дугоҳ, Дугоҳи Ҳусайний Дугоҳ;

Сегоҳ, Насри Ҳижоз, Наврўзи Хоро, Насри Ажами Сегоҳ;


Бузрук, Насри Насруллоҳий, Насри Ажами Бузрук, Насри Уззол;

Ироқ.

Хоразмда мақомлар Ростдан бошланиб, Панжгоҳда яқунланади. Шашмақомда эса Бузрукдан бошланиб, Ироқда тугатилади. Хоразмда Ниёзжон Хўжа Шашмақом асосида тартиб берган Хоразм Олти ярим мақоми тартиблари ўзгармаган. Бухорода эса Шашмақом тартиби бир неча марта ўзгарган. Чунки XIX асрларда Шашмақомнинг шеърӣ матнлари ёзилган мусиқий баёзларда кўрсатилишича, Насруллоҳхон (1825-1860) замонида кўчирилган мусиқий баёзларда Шашмақом Ростдан бошланади. Кейинроқ эса Шашмақом, асосан, Наводан бошланган. XX аср бошларига келиб эса Шашмақом Бузрукдан бошланиши кузатилади. Бу нарса Шашмақомнинг, умуман, мақомларнинг ҳаётлигини, ҳар бир мактаб вакиллари ижодий жараён вақтида бадиҳа этилганлигини кўрсатади.

Бизнинг қўлимиздаги Танбур чизиғининг Баёний нусхаси, Ўзбек халқ мусиқаси VI жилдидаги кўрсатилиши ва уни замонавий нотага тадбиқ қилинганини куйидагича таҳлил қилдик. И.Ақбаров Танбур чизиғининг Баёний нусхасини Ўзбек халқ мусиқаси VI жилдига кўчиришда усулларни ёзилиши ва айрим кўрсаткич (*) белгилари тушириб қолдирилганлигини тадқиқот давомида аниқладик. Мисол:

1. Мақоми Ростга уланиб келадиган Тарона қисми Хоразм “Танбур чизиғи” нусхаларида “Таронаи мақоми Рост” (Мухаммаси сайри гулшан) деб кўрсатилган. Ўзбек халқ мусиқаси VI жилдида “Тарона” деб номланиб унга Тарона усули қўйилган.



Ушбу мисолда кўриб турганингиздек, оҳанглар саккизталиқ (нимчорак) ноталар билан оддий кўринишда келтирилган, сўз матни берилмаган, бўғинлар қандай бўлиниши нота гуруҳларида кўрсатилмаган, усулни 2/4 ўлчовида тарона усул деб ҳисобласак, усулнинг давом қилиши уч тактни ташкил қилмоқда. Биринчи хона оҳанглари эса ўн олти тактда тамом бўлади. Хўш, оддий математика ҳисоби бўйича $3 \times 5 = 15$ такт келиб чиқадиган бўлса, қолган бир такт усули қаерда? – деган савол туғилиши табиий.

Шунга жавобан, Хоразм “Танбур чизиғи”да Таронаи мақоми Рост (Мухаммаси сайри гулшан) деб номланган таронанинг замонавий нотада кўринишини сўз матнлари билан келтирамиз.

Таронаи мақоми Рост. Мухаммаси сайри гулшан

М.М. ♩ = 100
1-хона

Сай - ре - гул - шан эй ё - рай
бе - бе ту чо - ра маст

Бугунки кунда Хоразм олти ярим мақомининг унитилган чолғу ва айтим йўллари қайтадан тикланиб амалиётга жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. 2006 йил муаллиф Р. Болтаев “Хоразм Дутор мақомлари”, 2010 йилда муаллифлар О. Матякубов, Р. Болтаев, Ҳ. Аминовларинг “Хоразм танбур чизиғи” деб номланган китоби илмий шарҳ ва замонавий нота ёзувида табдил қилинган Рост ва Наво мақоми ашула (Манзум) қисми нашрдан чиққан ва амалиётда қўлланилмоқда.

Шундай қилиб, Хоразм Олти ярим мақоми ва Дутор мақомларининг ҳар бири амалиётга жорий этилган мусиқий навлар бўлиб гавдаланилади. Ўтмишда уларнинг ижро этиладиган манзил-мақонлари бошқача бўлишига қарамасдан, бу навлар орасида ижодий муносабатлар изчил ривожланиб келган.

Улар доим бир-бирини тўлдириб, ўзаро ижод ва илҳом манбалари бўлиб хизмат қилиб келган. Уларнинг ички ва ташқи жиҳатларида фарқлар сезиларли бўлишига қарамасдан, бир бутун мусиқий жараённинг турли тарафлари сифатида муштарак ривожланиб келган. Хоразм Олти ярим мақоми ва Дутор мақомларининг ҳаётбахш кучи ҳам шундадир.

Адабиётлар:

1. О.Матёкубов. Мақомот. Т., 2004.
2. О.Матёкубов, Р.Болтаев, Ҳ.Аминов. Хоразм танбур чизиғи. Т., 2012.

Фикримизни равшанлаштириш учун қилинган тадбирларни изоҳлаб ўтсак. Аввало, “Наврўзи Сабо”нинг танбур чизиғи нусхасидаги кўринишини эътиборингизга ҳавола этамиз. Энди шу матннинг бошланғич бўлагини (1-чи хонани) европа нотасидаги шакли.

Иккинчи мисол. В.Успенский ёзувининг асл кўриниши. Бу матндан ҳам бугунги ижрочиларга бирорта натижа чиқариш ўта қийин. Шу сабабдан В.Успенский ёзувидаги куй жумлаларинилигалар билан белгилаб, сўз матни (Домла Ҳалим ижросидаги Амирий ғазалини) кўйиб, ушбу ўқишли ҳолга келтирдик.

Юнус Ражабий ёзувида бошқа тамойиллар қўлланилган. Аниғини айтганда, Тошкент – Фарғона муҳитида шеърӣ бирликларга эргашиб одат этилган хат-нимхат белгиларидан фойдаланилади. Унда хат бир байт шеър, нимхат эса унинг ярмига мос келадиган куй жумлаларини назарда тутати. Куй шаклининг таркибий бўлаклари даромад, миёнхат, дунаса ва авж-намудларга ишора этилмайди.

Ари Бобохонов ёзувида эса, аксинча, куй шаклининг таркибий бўлаклари Бухоро устозларининг мактабида расм этилган тартиб ва низомларга кўра, батафсил равишда белгиланиб боради. Амалий назария урф-одатларидан мерос бу истилоҳий тизим, ўтмиш рисолалари ва амалдаги мақом йўллари орасидаги узвий алоқаларни қайта тиклаш имкониятини пайдо этади.

Танбур чизиғи ва Дутор мақомларини қиёслаш, аввало, уларнинг ташки кўринишларидаги умумий ва хусусий жиҳатларидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Маълумки, Олти ярим мақом ва Шашмақом, амалиётда мустаҳкам ўрнашган олти мақом туркумидан иборат бир бутун мажмуа сифатида намоён бўлади. Бу мажмуа таркибидаги ҳар бир куй ва ашуланнинг парда ва усул асослари қатъий қайд қилинган.

Чертим ва айтим йўлларининг усул тизими тартиби, ички тузилиши Шашмақом насрларидан сезиларли фарқ қилади. Гарчанд ҳар бир мақом туркумининг умумий парда асоси мавжуд бўлса-да, уларнинг шакл-шамойиллари мушқилот ва насрлардан тубдан фарқ қилади.

Яна бир муҳим жиҳати, Шашмақом ва Хоразм Танбур чизиғи таркибидаги туркумларнинг ички тузилиши умумий қоидаларга эгалигидир. Яъни, барча мақомларнинг чертим ва айтимлари умумий тамойиллар негизида таркиб топади. Сегоҳ, Рост, Бузрук ва қолган мақом туркумларнинг чертим ва айтимлари ягона тартибда тузилган. Шашмақом ва Хоразм Олти ярим мақоми тарҳини “навбати мураттаб” (тартиблашган навба)га қиёслашимизнинг боиси ҳам ана шу ягона тартиб устиворлигидир.

Агар Хоразм Олти ярим мақомининг бош тамойилини “навбати мураттаб” деб оладиган бўлсак, унга муқобил равишда Дутор мақомларининг ибтидоий қонуни ўрнида “навба” (оддий навба) тартибини кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотлар давомида Танбур чизиғининг яна бир ноёб нусхасига дуч келинди. ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фондида Инв №8000 рақами остидаги қўлёзмада моҳиятан Дутор мақомларига монанд ўн бир куй ва Бухоро Шашмақомининг чолғу шаклида (сўз матнларисиз) ёзилган нусхаси топилди.

Инв № 8000 рақамли қўлёзмадаги бошқа асарлар ҳам Хоразм ва Бухорода машҳур ва маъмул куйлардан иборатдир. Ҳаттоки, уларнинг орасида том маънодаги халқ куйларига айланиб кетган “Ёр-ёр”лар ҳам мавжуд. Бундан чиқадиган хулоса шуки, мумтоз куйларнинг бир қалаваси хос Шашмақом ва Хоразм Олти ярим мақомига борса, иккинчи илдизи бевосита халқ куйларига айланган “Ёр-ёр”ларга уланиб кетади.

XIX асрнинг 80 йилларига келиб илмий-назарий рисола вазифасини бажарувчи, мақомларининг мусиқий ва сўз матнлари битилган мукамал китоблар яратганлар. Танбур чизиғи нусхаларида келтирилган дойра усуллари ўзаро мувозанатлардан тузилган. Бу эса, ўз навбатида, мусиқа риёзий илм деган тамойилни яна бир қарра